

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши кворуми хақида
1-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2024 йил 7 май

Йиғилиш ўтказилган вақт: 11:00

КВОРУМ:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли (кворумга эга) деб топилади ҳамда 58-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.




Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **605 595 065** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **560 118 278** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **410 711 826** дона.

Йиғилиш кворуми овоз берувчи акцияларнинг **92,49** фоизини ташкил этди.

Санок комиссияси:

 _____ С.Ф. Алиқулов
 _____ Б.Б. Нумонжонов
 _____ Д.Б. Гулмуратова

Баён тузилган сана: 2024 йил 7 май

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши овоз бериш натижалари хақида
2-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2024 йил 7 май

Йиғилиш ўтказилган вақт: 11:00

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони **605 595 065** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **560 140 946** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **410 711 826** дона.

Т/р	Кун тартибдаги масалалар:	Ўқлаб <input checked="" type="checkbox"/>	Қарши <input checked="" type="checkbox"/>	Бетараф <input checked="" type="checkbox"/>
1.	<p>Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.</p> <p>Кун тартибдаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</p> <p>1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p> <p>2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овозларни санаб чиқиш, акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Сардор Ғуломжон ўғли Алиқулов – корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Бошқарув органлари билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи в.б.; - Баходир Баҳром ўғли Нўмонжонов – Корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис; - Дилором Ботировна Гулмуратова – Корпоратив муносабатлар бўйича 1-тоифали мутахассис. 	560 085 815	11 220	21 243
2.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг 2019 йил 16 мартдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан маъқулланган йирик битим шартларига ўзгартириш киритиш.</p>	560 091 813	25 473	992

	<p>Кун тартибдаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:</p> <p>1. Комбинат томонидан 2019 йил 25 январда тузилган 25012019 ва 26012019-сонли шартномаларнинг 5.1 бандида белгиланган “Барча қурилиш ва монтаж ишларини суғурталаш полисини тақдим этиш” шarti Комбинат зиммасидан “Danieli & C. Officine Meccaniche S.P.A.” (Италия) зиммасига ўтказиш масаласи маъқуллансин.</p> <p>2. Янги қувват истеъмолчиларини энергия билан узлуксиз таъминлаш мақсадида трансформатор пункти усқуналарини лойиҳалаштириш, етказиб бериш ҳамда ўрнатишни “Danieli & C. Officine Meccaniche S.P.A.” (Италия) зиммасига юклатиш маъқуллансин.</p> <p>3. Комбинат томонидан мазкур шартномаларнинг шартлари бажарилиши юзасидан мунтазам равишда Кузатув кенгашига киритилиб борилсин.</p>			
3.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг яқунларини текшириш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш.</p> <p>Кун тартибдаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:</p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилган танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин.</p> <p>2. Миллий стандартлар талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 200 000 000 сўм миқдорида белгилансин.</p>	560 115 150	3 051	77

Санок комиссияси:





С.Ф. Алиқулов

Б.Б. Нумонжонов

Д.Б. Гулмуратова

Баён тузилган сана: 2024 йил 7 май